

(Тўғри сўзлар сўзларам мумкин кадар, Хох онам ранжисун, хохи падар).

Ухлаб колган кишиларни бошлаб мулойим овоз ила уйготмок одобдандур. Садо кифоят этмаганда мутлако туртиб уйготмокга мажбурият кўрилуру. Мен хам ушбу коидани риоя килуб, ахволи олам ва иктизои замондин оз хабарлик мухтарам шоирларимизни уйготмак нияти хайрихохонаси ила товуш чикармакчи бўлдум. Аммо биравга насихат берурга ёки туртиб ранжитмокга асло ҳакким йўқдур. Маълумки, дунёда ҳар бир илм ва ҳунарни фойдали мақсадга етмок учун ўрганурлар. Диний ёки дунёвий фойдаси бўлмаган илм ва фанни таҳсил етмок йўлига акли бор одам ҳеч вақт азиз умрини сарф қилмас. Эмди шеър масаласида келсак, бу фан шаръан мазмун бўлмаса керак. Чунки асри саодатда ҳам асхоби киром ичида машҳур шоирлар бор эди. Ва аларни шеър иншодидан ислом манъ қилмабдур. Хатто Аҳзоб муҳорабаси бошланмасдан бурун Мадинаи мунаввара атрофинда «хандак» қазмок асносинда пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларида Абдуллоҳ бин Равоҳнинг шеърини ўқиб биззот туффроғ тошигонлари ривоят ўлинмушдур.

Яна бир неча жихатдан шеърнинг таъсир ва фойдасини-да инкор қилиб бўлмас. Чунончи, муҳофизаи тил ва адабиёт ва миллий ҳиссиётни кўзготмок ва бошқа ваҳхлар учун шеърнинг келтурадурган фойдалари ниҳоятда қўбдир. Лекин бир неча асрдан бери бошқа санъатларимиз каби фани шеърга ҳам суистеъмом қилиниб; алаҳхусус бу замонда шеър, таъриф ҳатту ҳол, тавсифи май ва жом ё тамаъгарона маддоҳиёт ва гаразгарона ҳажвиётдан иборат бўлуб қолди. Мана шул сабабли аҳлоқи омма бузулуб, жувонбозлик феъли ва шаробхўрлик одати ҳалқ кўзига мувоҳ даражасида қелди.

Ҳалқ ашъори фисқия ва ё ҳажвиядан лаззат олатурган бўлуб аҳлоқи диния таъсир қилмас. Эмди умид қилурмизки, бир мундан сўнг фазилатлу шуаромиз (бир-икки зот истисно) ошиқона шеър ва ҳажвомез назм иншод етмақдан воз қечуб, замонага мувофиқ фанний, миллий ва аҳлоқий шеърлар иншод етарга қиришсунлар. Тоқи, бу сабабдан бутун мустакбалдаги авлодимизнинг аҳлоқлари тузула бошлаб, миллий ҳислари ва аҳлоқлари тузалсун. Шунинг ила дин ва миллат, илм ва маданият йўлида қадам босиб фойдали ишлар ишласунлар. Миллий шеърларнинг намунасини кўруб истифода етмақ учун: Абдулҳақ Ҳомид, Тавфиқ Фикрат, Муҳаммад Ҳодий ва марҳум Абдулла Тўқаеф каби шуарои асримизнинг ашъорини олдуруб мутолаа қилинса, ибрат олинмоқиға шубҳа йўқдур.

(Меҳрий, бу тўғри сўзинг қаттиғ эрур, Оре нофеъ дору ҳам аччиқ эрур).

«Ойна» журнали, 1913 йил, 9-сон